

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИМАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

21-ЙИЛ
ЧИҚИШИ.
№ 246 (5339).
14
ДЕКАБРЬ
ШАНБА
1974 ЙИЛ.
Баҳоси 2 тийин.



ЮКСАК МУКОФОТ

СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний 12 декабрда Ўзбекистон Коммунистик партияси миллий кенгашининг раиси Шрипад Амрит Дангега ва Хиндистон Коммунистик партияси миллий кенгашининг бош секретари Чандра Рашкешвара Раога Ленин ордени тошғирди.

Н. В. Подгорний ўртоқ Ш. А. Дангени ва Ч. Р. Раони Ленин ордени билан мукофотланганлиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети ва СССР Олий Совети Президиуми номидан, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. Н. Брежнев номидан ва шахсан ўз номидан самимий таърифлади.

Ўртоқ Ш. А. Данге ва Ч. Р. Рао ўзларининг фаолиятига юксак баҳо берилганлиги, Ленин ордени билан таъдирланганлиги учун қизғин миннатдорчилик изҳор қилди.

Мукофотни тошғиринг маросимида КПСС Марказий Комитети Сийёсий Бюроси аъзоси, ВЦСПС раиси А. Н. Шелепин, КПСС Марказий Комитети Сийёсий Бюроси аъзоллигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари В. Н. Пономарев, СССР Олий Совети Президиуми секретари М. П. Георгадзе, бошқа расмий кишилар ҳозир бўдилар.

Хиндистоннинг СССРдаги элчиси К. Ш. Шелванкар ҳам шу маросимда иштирок этди. (ТАСС).

ХУҚУҚ ТАРБИЯСИ

Совет ҳалқи партиямиз XXIV съезди белгилаб берган тарихий қарорларни амалга ошира бориб, мамлакатимизни иқтисодий, социал ва маданий жиҳатдан улкан оқимлар билан ривожлантирмоқда. Меҳнаткашлар иқтисодий-сиёсий онгининг ўсганини — уларнинг ҳуқуқ-тартибот қонуни-қондаларини яхши англаганликларида, ўз ҳуқуқ ва бурчларини тўғри тушуналганликларида ва совет қонуни-қондаларига риоя қилаётганликларида яққол кўришмоқда.

Марказий Комитет, Совет ҳукумати, — деган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. Н. Брежнев партия XXIV съезидида қилган ҳисобот докладыда. — ҳисобот даврида қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, граждандарнинг қонуниларга ва социалистик жамиятда яшаш қондаларига риоя қилиш руҳида тарбиялаш тадбирларини амалга ошираведилар. Миллий, прокуратура, судларнинг фаолияти яхшиланди. Қонунийликни мустаҳкамлаш — давлат аппаратидаги вази-вазифаси эмас. Партия ташкилотлари, касса соювлари, комсомол қонуниларга қатъий риоя қилишнинг таъминлаш, меҳнаткашларга ҳуқуқ тарбияси беришнинг яхшилаш учун ҳамма чораларни қўйишлари лозим. Ҳуқуқни, қонуни ҳурмат қилиш ҳар бир кишининг шахсий эътиқоди бўлиб қолмоғи керак. Бу гал ҳусусан мансабдор шахсларнинг фаолиятига тааллуқлидир. Қанақа сабаб-баҳона кўрсатилмасин, қонунидан чекинши ёки уни четлаб ўтиш йўлидаги ҳар қанақа уришшларга тоқат қилиш мумкин эмас. Шахс ҳуқуқларининг бузилиши, граждандар иззат-ҳурматининг камситилишига ҳам йўл қўйиш мумкин эмас. Энг инсонларинг идеалларини тарафдорлари бўлиши ёки, коммунистлар учун бу — принцип ишидир.

Область партия ташкилотлари, прокуратура, милиция ва суд органлари меҳнаткашларни қонуний-сиёсий жиҳатдан тарбиялашда асосий омилилардан бири бўлган ҳуқуқ тарбияси масалаларига қатъий эътибор бериб келмоқдалар. Ўзбекистон билан, ҳар тарафлама пухта ўйлаб амалга оширилаётган чора ва тадбирлар натижасида қонуний, жамоат тартибининг бузилиши, жиноятчилик сўғити пайтларда анча камайди. Меҳнаткашлар ўртасида, аҳоли яшайдиган жойларда, корхона ва муассасаларда тартибот ташвиқот ишлари малакали ташкил этилиб, ҳуқуқ тарбиясини тааллуқли турли хил лекция ва суҳбатлар, учрашувлар, кўрсатмалар уюштирилмоқда. Граждандар билан орган ходимларининг учрашувлари яхши самара бермоқда. Шу нарса харақтерлик, бу тадбирларда жамоатчилик кенг иштирок этмоқда. Тошкент, Чирчиқ, Охангарон, Олмалик шаҳарлари, Ўзбекистон, Қалнин, Бектебод, Оқдўрғон бошқа районларнинг милиция, прокуратура ва суд ходимлари оlib бораётган ижобий ишлари алоҳида кўрсатиш мумкин.

Тошкент шаҳар ижрония комитети ички ишлар бошқармаси маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда турли кечалар ўтказиб, ҳуқуқшунос олимлар, орган вакиллари, партия, совет ташкилотлари ходимларининг лекция, суҳбат ва докладынинг уюштирилмоқда. Милиция органлари оlib бораётган ишларда халқ дружиначилари, комсомол прожекторлари актив катнашадилар. Содир бўлган ҳатти-ҳаракатларни коллективларда, ўртоқлик судларида муҳокама қилиш — тарбиявий жиҳатдан қатъий таъсир кўрсатмоқда. Область ижрония комитети ички ишлар бошқармаси район ва шаҳар ички ишлар бошқармаларининг жиноятнинг олдини олиш ва унга қарши кураш соҳасида оlib бораётган ишларини турли шаклларда омалаштириб бормоқда. Ички ишлар бошқармалари ҳузуридаги сийёсий бўлимлар аҳоли ўртасида сийёсий-тарбиявий ишлар оlib бориш билан бир қаторда, орган ходимларининг малакасини, билимининг

МЕХНАТ ЗАРБДОРИ

ЯНГИЙЎЛДАГИ понафзал фабрикасида ўн икки беш йиллик ҳисобига махсулот ишлаб чиқараётган қўллаб пешқадамлар бор. Аскар Истамқулов шуларнинг бири. Суратда: А. Истамқулов ўз стагони олдида.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси

КПСС XXIV съезди қарорларини турмушга татиқ этиш учун курашаётган Калинин районидаги «Қорасу» совхозининг коллективни ишлаб чиқаришда янги ғалабаларни қўлга киритмоқда. Давлатга сазавот топириш йиллик плани 142 процент бажарилди. Пландида 7190 тонна ўринга 10150 тонна сазавот топириди. Картошка топириш плани 150 процент қилиб адо этилди. 500 тонна

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ҒОЛИБИ

Ўринга 750 тонна картошка етказиб берилди. Совхоз коллективни беш йиллик плани топиригини ҳам

ошириб бажарди. 34 минг 680 ўринга 35 минг 758 тонна ёки ўн икки беш йиллик ҳисобига

ПАРТИЯ ХОДИМЛАРИНИНГ ҲУҚУБИ

13 декабрь кунин Тошкентда партия ва совет кадрларини қайта тайёрлаш республикалараро курсларининг наъбатдаги битириш чизи маросими бўлди. Район ва шаҳар партия комитетларининг биринчи секретари, область партия комитетлари секретарларининг ёрдамчилари, Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон Компартиялари Марказий Комитетлари ва область комитетлари ташкилий партиявий иш ва умумий бўлимларининг ходимлари ўқиш-наъбатда иштирок қилишди.

Бир ой мобайнида давом этган курс машғулотлари мариса-леминча назария ва КПСС сийёсатининг мумкин проблемаларини, социалистик экономикани илмий бошқариш негизларини, партия, совет қурилиши ҳамда халқ ҳужалиғига, фан ва маданиятга раҳбарликни амалга оширишнинг ўрганиши бағишланди. Учал республика партия ва совет органларининг раҳбар ходимлари лекция ўқидилар.

Курс тингловчиларининг амалий машғулотлари Тошкент область партия комитетида, Калинин район партия комитетида, шунингдек Тошкентдаги бир қанча корхоналарда ўтказилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Р. Қурбонов машғулотлар якуниладиган кунин тингловчилар ҳузурида нутқ сўзлади. (ЎЗАТА).

ПАРТИЯ АКТИВИ ИЙГИЛИШИ

САМАРҚАНД. 13 декабрь. (ЎЗАТА). Бугун бу ерда область партия ташкилоты активининг йиғилиши бўлди. Область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. Раҳимовнинг КПСС Марказий Комитетининг «Белоруссия» партия ташкилотыда идеология надрларини тақлиш ва тарбиялаш соҳасидаги ишлари тўғрисидаги қарорин асосида область партия ташкилотининг вази-вазифалари тўғрисидаги доклады муҳокама қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов — нутқ сўзлади.

ЧОРВАДОРЛАР ЗАФАРИ



БЎСТОНЛИҚ районидидаги 14-«Хўжалик» совхозида паррандачилик тобора ривожлантирилмоқда. Тоғулардан туҳум олиш йил сайин кўпаяётди. Бунда коммунист Баҳодир Раҳмоновнинг хизмати қатъий бўлмоқда. У ҳозир бунда паррандаларни қўш фасти шартинида яхши парварин қилмоқда. Шунинг учун ҳам топириқин ошириб адо этаётди. Суратда: (Ўғда) Б. Раҳмоновдир.

КАРЛ МАРКС номли колхоз Бўстонлиқ районидидаги кўптармоқли, хўжалиги йил сайин ривожланаётган колхозлардан. Бу ерда ил-гор сазавоткорлар, галлокорлар қатори пешқадам чорвадорлар ҳам кўп. Улардан бири район Советининг депутаты коммунист Гулбон Мусакуловадир. У чорак асрдан бери сўт соғуви бўлиб ишлади. Ҳаммавақт берилган топириқин ошириб бажаради ва кўпчилиги ўртасида хурийат қозонади. У бу йил ўз боқимидида сийгирларининг ҳар бирини 3600 килограмдан сўт соғиб олди. Суратда: (чапда) Г. Мусакулова.

И. Портнов фотолари.





ОРЖОНИКИДЗЕ районидagi «Коммунист» колхози теплицаларида ҳосил ишлаб етилди. Колхозчилар теплица ҳосилини шаҳарликларга қўлаб жўнатишмоқда. Суратда: зенбо бошлиги М. Шодмонова (чапда) ва колхозчи Азиза Эргашевалар шаҳарга жўнатиш учун помидор тайёрлашмоқда. Колхозда лимончилик ҳам ривожлантирилмоқда. Ҳозиргача 50 минг унинг 85 минг дон лимон териб олинди. Яна 20 мингта лимон топириш учун ҳаракат қилинмоқда. Суратда: ёш лимончи Т. Султонмуродов (ўнгда) ва теплица бошлиги О. Ҳикматовлар янги ҳосилни кўздан кечиришмоқда. Н. Абдураулов фотолари.

СЕРМАЗМУН УМР

ҲАММАЕҚДА сукунат. Махсус хоналар тепасидаги электр ёзувлар вазиятини жиддийлигидан даволат бериб турибди: «Диққат, операция кетяпти!» Оқ халатли кишилар, аниқ ҳаракат қилаётган ҳамширалар оёқ ўчида юришади. Узро шивирлаб гаплашишади. Операция кабинетида гоҳо-гоҳо қисқа-қисқа сўзлар эшитилади: «Скәпель», «қон босим қалай», «нафас олишини текширинг», «раҳмат, жуда яхши...»

КОРИДОРНИНГ бу бошида турган кишилар эса нигоҳини тўғридаги эшикдан олишмайди. Уларнинг назарида вақт жуда секин ўтаётганга ўхшайди. Ташқаридан уларнинг олдига кимдир киради.

— Операция бўляптими? — сўрайди.

— Ҳа...

— Ким қияпти?

— Босит Кабирович...

— Ундай бўлса хотиржам бўлаверинг, ҳаммаси жойида бўлади...

Бу сўзлар замирида катта ишонч ётади. Жарроҳнинг ишонч қозониши — оддий гап эмас. Узроқ йиллар, машаққатли изланишлар, томчилаб йиғилган тажрибалар, кунт, темир крода туфайлигина ишонч орттириш мумкин. Ишонч — эрттириш учун баъзан бутун бир умр ҳам камлик қилади, деган экан табиёт аллоҳларидан бири.

Олтимиш баҳорини кўрган, ўзининг қирқ йиллик умрини медицинага, хасталик билан курашиш салоҳиятига бахшида этган Босит Кабирович ҳам ишонч соҳиби бўлганга озмуна меҳнат қилмади! Эндиларда соҳаларига қирок кўнган, ўнлаб шогирдлар устози, ўз ишининг устаси, ажойиб ўғил-қизларнинг падари бўлиб қолган Босит ака шифокорлик касбиға қизиқиб қолганида ёшгина йигитча эди.

— КИРК ЙИЛ муқаддам эҳдигина ақлини таний бошлаган дехон ўғли Боситнинг қалбида антиқа саволлар тургиди. «Мен уч яшарлиқда отам ўлган эди. Икка учун э-э-э баъзада одам бирдан вафот этса! Бунинг сабабини қандай билса бўлади!» Келинчалари у биллиб олди. Дунёда табиёт деган илим бор экан... Демак, касалликлар сир-асрорини билиш учун ана шу илимни эгалламоқ керак...

Босит ўз орауси йўлида дадил қадам ташлади. Ававал Охунбобоев номли медицина техникумини биткиди. Сўнгра Тошкент медицина институтига тахсилни давом эттирди. 1939 йилда маэкур олий ўқув юртини муваффақиятли тўғати. Уни асиратнурга олиб қолди. Устозлар келалмакда ундан тузуққина олим чиқиши мумкин, деб ўйлашган эди.

Аммо, тез орада Босит бир нарсани тушуниб қолди: касбини пухта эгалламасдан туриб, тажриба уммонидан баҳраманд бўлиш туриб илмий иш қилиш мумкин эмас. У ту-

ди, мудофаада турарди. тунда эса жарроҳлик пичоғи билан атомашина чироклари ёруғида одамларга ҳаёт бахш этарди. Бир марта у олти келачаққунда ухлამасдан операция столи ёнида қолиб кетган эди. Хушини йўқотиш даражасига етганича у хонадан чиқишга мажбур бўлган эди.

Орадан ойлار ўтди. Мардонвор Совет Армияси фашистларни фарб томонга сўриб кета бошладди. Бу ойлор мобайнида хирург Босит Кабиров юзлаб оғир операцияларни муваффақиятли ўтказди...

Бир кунни палатага ёшгина бир старший лейтенантни келтиришди. Минининг каттагина парчаси унинг қорнида қолиб кетган экан. Баталон хирург бири келачаққунда унинг ҳаёти учун олишди. Осколка чиқариб олинди. Йўғон ва интиқа инчалардан кесиб ташланиб — резекция қилинди. Ажал келди. Олти суткадан сўнг йигит ўзига келди. Госпиталға жўнаб кетар экан, офицер кўзлари...

ҚИШЛОҚ БИНОЛАРИ

ТОШКЕНТ областига қарашли Карл Маркс номли колхозда очилган янги университет «Пахтага» деган қиройил ном билан аталди. Бу мағазинда саноат молларини, озиқ-овқат маҳсулотларини ва уй-ўрғор буюмларини топиш мумкин. Мағазин ҳодимлари пахтакорлардан, механизаторлардан ва чорвадорлардан саноат моллари ва озиқ-овқат маҳсулотларига буюртмалар қабул қилмоқда.

Колхозда 140 ўринли ясли-боғчадан янги биносига қўчиб килинди. Бу комплекда 22 та хона, болалар ўйнайдиган зал, ошхона, ётоқхона бор. Ҳозирги замон инвентарлари қўйилган болалар комплекси типовой лойиҳа асосида қурилган.

Колхознинг марказида юз ўринли ошхона очилди. Ошпазлардан В. Шигаев, М. Асатуллаева колхозчиларнинг талабларига биноан мазали ионушта ва икки-уч таомдан иборат тушлик овқатлар тайёрлашмоқда.

(ЎЗАТГ мухбири).

ҚИШЛОВ СОЗ ЎТЯПТИ

Бўна районидagi «Партия XX съезди» колхоз чорвадорлари узроқ социалистик мусобабани қизитиб нобилей йилни талаба билан ақуламоқдалар.

Колхоз чорвадорлари 207 тонна сўт, 32,2 тонна гўшт, 23 минг донга туҳум ва 16 центнер жуи сотдилар. Бу ўтган йилга нисбатан 2,1 баробар кўп, сўт, 38 процент кўп гўшт сотилди, демакдир.

Чорвачиликда бундай ўтуққа мустаҳкам ема-хашак базаси яратилган, илгор тажриба ва фан ютуқлари татбиқ этилгани ва меҳнатини тўғри ташкил этилгани тўғрисида айтилади.

Гўштга тоширилган ҳар бир қорамолнинг тирик вазни 403 килограммданга тўғри келди. Колхоз зарур биналарини ремонтдан чиқариб, бир ярим йилга етадиган миқдорда ема-хашак жамғариб қўйди. Механизациялашган ет тайёрлаш пехи қурилиши бошлаб юборилди.

Фермада иш тўғриси уюштирилган, моллар тўғрисида озуқа билан таъминлангани учун бу йилларда ҳар бир сизгидан 9 килограммдан сўт сонгилати.

С. ТОИМЕТОВ.

Р. УМАРОВ.

Исхон ЯНГИ ИКЛАРИ

МУСТАҲКАМ ДУСТАИК НАМОЙИШИ

ПРАГА, 13 декабрь. (ТАСС). Чехословакия-Совет дўстлиги ойлари тугаллашни муносабати билан бу ерда Чехословакия Социалистик Республикаси пойтахти меҳнаткашлари вакиллари таштанили йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧССР насаба Союзлари марказий советининг раиси И. Гофман, ЧКП Марказий Комитети Президиуми аъзоси, ЧКП Прага шаҳар комитетининг биринчи секретари А. Капен, ЧКП Марказий контрол-ревизия комиссиясининг раиси М. Янеш, ЧКП Марказий Комитети сешретари Ф. Ондриж, Чехословакиянинг бошқа раҳбарлари иштирок этдилар. Таштанили йиғилишида, шунингдек совет дўстлиги поездининг қатнашчилари ва СССРдан келган бошқа меҳнаткорлар бор эдилар.

Таштанили йиғилишда ЧКП Марказий контрол-ревизия комиссиясининг раиси М. Янеш нутқ сўзлади.

ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МАҚСАДИДА

БУХАРЕСТ, 13 декабрь. (ТАСС). Бу ерда Узроқ Итисодиёти Ердам кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар — ЮХР, ВХР, ГДР, Куба, МХР, ПХР, РСР, СССР ва ЧССР икки савдо вакиллари олдиги олтинчи мажлиси ўз иппини таомолади. Кенгаш иштирокчилари 1975 йилги иш планини маъмуллашди, шунингдек 1976—1980 йиллар мобайнида икки савдо соҳасида Узроқ Итисодиёти Ердам кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг ҳамкорлиги қилиш перспективаси программасини ва шу давр мобайнида илмий-технавий ҳамкорлик планини қабул қилдилар.

Узроқ Итисодиёти Ердам кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан ўртасида икки савдо йўли билан кенг истеъмол моллари айтиришга янада тақомиллаштиришга ва кенгайтиришга Ердам берувчи конкрет тадбирлар тўғрисида келишиб олинди.

КОММУНИСТЛАРНИНГ ЯНГИ ОТЯДИ

ГАВАНА, 12 декабрь. (ТАСС). 500 кишидан иборат коммунистларнинг янги отряди Кубанинг Ориенте вилоятида партизаниликни сақлашга қўшилди. Булар Сантьяго-де-Куба шаҳридаги ва бошқа шаҳарлардаги саноат корхоналарининг ишчилари, инженер-технавий, давлат қишлоқ хўжалик ичменеларининг дехқонлари, студентлардир.

МОСКВА — ЛИССАБОН АВИАЛИНИЯСИ

ЛИССАБОН, *12 декабрь. (ТАСС). Бу ерда СССР билан Португалия республикаси ўртасида ҳаво алоқаси ўрнатиш тўғрисида битим имзоланди. Битимни Совет томонидан СССР Граждан авиацияси министри Г. Коллегиясининг аъзоси С. С. Павлов, Португалия томонидан — Ташқи ишлар министри Марну Соареш имзоладилар.

Битим Москва билан Лиссабон ўртасида бевосита ҳаво алоқаси ўрнатилишини кўзда тутди.

Бу муҳим ҳужжат граждан авиацияси соҳасида иккала мамлакатнинг ҳамкорлиги қилиш учун кенг имкониятлар очди. Бу эса СССР билан Португалия ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни ривожлантиришга ердан беради.

ПОРТНИ ЧУҚУРЛАШТИРМОҚДАЛАР

КОЛОМБО, 12 декабрь. (ТАСС). Шри-Ланка республикасининг катта деңиз порти ҳисобланган Коломбо портини чуқурлаштириш ишлари бош-

ВЕНЕСУЭЛА ЖАМОАТЧИЛИГИНИНГ ТЕЛЕГРАММАСИ

КАРАКАС, 12 декабрь. (ТАСС). Венесуэланинг тараққишарвар жамоатчилиги Куба республикаси билан дипломатия муносабатлари дарҳол тикланишини талаб қилмоқда. Венесуэла-Куба дўстлиги институти ва Венесуэла билан бир гурулла таниқли арбоблари мамлакат президентиға йўллаган телеграммада Озодлик ороли билан муносабатларини нормаллаштириш ҳар иккала мамлакат халқ-

УЧРАШУВ АРАФАСИДА

ПАРИЖ, 12 декабрь. (ТАСС). Франция президенти В. Искар д'Эстен бугун визит билан деңизнинг партиги ёнида, Гваделупа ва Мартиника департаментларига жўнаб кетди. У Мартиника оролида 14—16 декабрь кунлари АҚШ президенти Ж. Форд билан учрашад.

Сисей шарҳловчиларнинг фикрига қўра, Франция-Америка мунокаралари оғида ақуал халқроқ проблемалар, жумладан етакчи капиталистик

ФРАНЦИЯ. Мамлакатда юз берган оғир вазият тўғрисида намоийшулар кураши тобора кучаймоқда. Бу намоийшга фаррошлар ҳам қўшилди. Натижада пойтахт қўчалари бир неча кундан бери тозаланилмоқда. Шаҳар маъмурлари бу ишга ҳарбийларни жалб этишга мажбур бўдилар. Суратда: солдатлар шаҳар кўчаларини тозалашмоқдалар.

ЮПИ—ТАСС



ФОТОЛАРДА ҲАЁТ ЖИЛВАСИ

... Поезиса кенг дала бўйлаб сўзиб бораётган универсал борроқдек гуллаган ўрик шоҳлари орасидан кўзга аққол ташланади турипти. Баҳор келди. Дехқон далага чиқди. Универсалга тиркалган селка нафисдек текис ерга янги ҳосил уруғини қадапти. Шу қайноқ дақиқани фотомухбир Алесандр Абалаев объективга туширган. Яна бир фотода эса тоғ-тоғ «оқ олтин» қирмонлари ўнлаб табиёров пунити тасвирланган. Транспортер ленталари бўйлаб оқиб кетаятган нузурлардан яна янги олатин тоғлар бўйида эшитилипти.

Бу фотосуратларини биз «Э-бенкестон» нашрийтининг манлислар залида ташкил этилган кўргазмада кўрдик. Бу ерда икки кун давомида газета ва журналлар фотомухбирларининг республика семинари бўлиб ўтди. Семинар Э-бенкестон журналистлар союзи томонидан уюштирилди.

Фотомухбир ўз фотообъектив билан завод ва фабрикаларни, колхоз ва совхозларни, шаҳар ва қишлоқларни кезиб юрди. Ҳаётда рўй бераётган воқеаларнинг ҳаммасига у гувоҳ. Унутилмас лаҳзаларни ленталарга тушириб, тарих саҳифаларини ҳаёт жилвалари билан боғайди.

Семинар аалига қўйилган фотосуратларнинг ҳаммаси жонли воқеаларга ҳамоҳанг. Кеска фотомухбир Исаак Збарский тасвирлаган фотода янги Тошкент қурилиши, дўстлар ердими билан бўлиб этилган аани шаҳар

МЕНИНГ МИЛИЦИЯМ САҲИЙ ҚАЛБ ЭГАСИ

Участка инспектори Екуб Шокиров одадгаддек ўз иш кунини почта билан танишишдан бошлади. Унинг номига матбуот нашрлари билан бир қаторда қўлаб хатлар келиб туради. Ҳар хатнинг ўзига яраша тарихи бор.

«Ассалому алайкум ўртоқ Шокиров! Сизга Амир Тўлагон ёзапти. Ушбу махтубим билан фойдали суҳбатингиз, қимматли маслаҳатларингиз ва уйга етиб олишим учун берган ёрдамнингиз учун чин қалбимдан миннатдорчилик билдираман. Биласизми, ҳозир мен механизация мактабида ўқимокдаман... Сизга узоқ умр, метиндек саломатини тилаб, ўша Амир».

Ҳа, бу ўша бола! Февраль ойи эди. Бир кун Екуб ака ҳузурига бир йигитча кириб келди. Маълум бўлишинча, қишлоқда туғилиб ўсган Амирга колхозда ишлаш ёқмай, Тошкентга келган экан. Бирок... Капитан йигитча билан узоқ суҳбатлашди:

— Агар сендай ҳамма ёшлар шаҳарга келиб қолаверса, далада шаҳарни қим қуради! Ҳозир минглаб ёшлар маданий ҳаёт барпо этиш истаги билан қўл сарпо, тайга ва тундрада отланишяпти. Сен бўлсан...

Йигит бошини қўри солди. Ўша кўни капитан А. Тўлагонини поседата ўтказди. Мана, ушбу йигитча катта ҳаёт йўлига тўлиб олинди. Ўйса миннатдорчилик махтуби асарини.

Екуб ака фаолиятинида бундай мисолларни кўп келтириш мумкин. У миллинларга муножадат этган кишиларга аввало одамийлик кўзи билан қарайди, қўлидан келган ердими ани майди.

Е. Шокиров икки ишлар орадаларига хизматга келганига 26 йилдан ошпти. У бу даврда икки қозлаб кишиларга тўғри ҳаёт йўлига тушиб олишга қўлақлашди. Ассан жамоатчилик кўнига талиб иш қўрди.

Халқ дружиначилари — 5-такис парки шоферларидан В. Анисимов, Г. Емельянов, С.

ЯНГИ АСР БОШИДА

Тошкентнинг Бирлик маҳалласида истиқомат қилаётган Абдуқайимов Исамухамедов 110 баҳорини кўрди. Табарруқ отахонининг 35 невараси, 70 дан ортқ эвара-чевараси бор. Фарзандлари ўқитувчи, инженер, геолог, врач бўлиб ишлашмоқда.

Улар тез-тез бобо ҳузурида бўлиб, қувноқ давра куришади. Абдуқайим ота ҳали тетик ва бардам. Одат бўйича у икки-уч соат маҳалла кўчаларини сайр қилади. Врачлар унинг саломатлигинида ҳабардор бўлиб туришибди. Отахон умр бўян

синртли ичимликлар ичмаган ва чекмаган. Кўпроқ жисмоний меҳнат билан шугулланган. Кунини кўнгили ва хушчақчақ ўтказишга ҳаракат қилган.

Ғ. АБДУЛЛАЕВ.



ЧИМЕН ёнбағирликларини ҳамма фасад ҳам гузал ва фусункор. Ҳозир ҳаммаёқ оғиқ қор билан қопланган, муздек тоғ ҳавоси киши танга роҳат бағишлайди. Елдек учиб машқ қилаётган чапчиликлар учун бу ерда барча шароитлар муҳайё. Техника ҳам улар хизматида. Осма йўллар киши спорт турлари билан шуғулланувчи йигит-қизларини бир зумда чўққиларга элтиб қўяди.

Суратларда: Чимён манзаралари. В. Таран фотолари.



ҚИШКИ ХОРДИҚ

Биринчи қор ёғиши билан қишқи спорт ихлосмандлари жонланади. Қишқи спорт базалари уларни қабул қилиб олишга тахтми? Меҳнаткашлар ва ўқувчилар қишда қандай ҳордиқ чикарадилар?

Муҳбиримиз шу саволлар билан Тошкент шаҳар физкультура ва спорт комитетининг раиси Н. Бойжоновага мурожаат қилди.

— Қишқи мавсумга тайёргарликни куз фаслидаёқ бошлаб юборган эдик, — деди Н. Бойжонова. — Шаҳар физкультура ва спорт комитети Советининг 8 октябрдаги йиғилишида спорт базаларини қишқи мавсумга шай қилиб қўйиш масаласи муҳокама қилинди.

Қишда барча стадионларда яхшалак ташкил этилади. Бу қишқи спортни ишқибозларига қўл келадиган, болалар кўча-кўйда транспорт ҳаракатига ҳалақит беришмайди. Стадионларда улар билан жамоатчи тренер ва инструкторлар иш олиб боришади.

— Қиш фаслида шаҳарда ва тоғ бағрларида қандай оммавий физкультура мусобақалари, соғломлаштириш тадбирлари ўтказилади?

— Қиш биз учун турли мусобақаларга бой фаслди. Ўзбекистон XVII спартакиадаси, ГТО кўпкураши мусобақалари ва бошқа турлар бўйича ўтказилган тадбирларга физкультурачилар билан бир қаторда меҳнаткашлар ва ўқувчи ёшлар ҳам оммавий жалб қилинади. «Меҳнат ва СССР мудофасига тайёр!» физкультура комплекси кўпкураши спартакиадаси қатнашчилари қишқи спорт турларидан норматив топирадилар.

15 декабрда тоғ-чағи спорт мавсуми очилди. Келаси йилнинг январда эса анъанавий «Катта Чимён» соврини учун турнир ўтказилади.

Биз меҳнаткашларнинг дам олиш кунларини намунали ўтказиш борасида ҳам алоҳида қайғурмоқдамиз. Чимён ва Суқоқ дам олиш зоналари улар хизматида. Бу ерда очилган прокат пунктлари дам олувчиларни чана, чағи ва конькилар билан таъминлайди. Бундан ташқари, барча кўнгилли спорт жағиятлари жойларда ҳордиқ чикариш зоналари ташкил этилади. Ҳозир ана шу зоналарда тайёргарлик ишлари олиб бориляпти. Судья ва жамоатчи инструкторлар махсус семинарларда малака оширмоқдалар.

— Ўқувчилар қишқи каниқули қандай ўтказадилар?

— Стадионларда ташкил этиладиган сунлий яхшалак ўқувчилар ихтиёрида бўлади.

Каникул кунлари «Олтин шайба» соврини учун ҳовли ва кўча командалари ўртасида хоккей мусобақалари ўтказилади. Районларда эса «Рус қиши» деб номланган спорт байрамлари уюштирилади. Мақтаблараро хоккей ўрашувлари бўлиб ўтади. Бу тадбирларнинг ҳаммаси шаҳар меҳнаткашлари ва ёшларнинг қишқи дам олишларини кўнгилдагидек ўтказишга хизмат қилади.

УЛКАН АНЖУМАН ТАРАДДУДИ ♦ ТОҒ-ЧАНҒИ СПОРТИ МАВСУМИ БОШЛАНДИ ♦ ЎЗБЕК ПОЛВОНИНИНГ БРОНЗА МЕДАЛИ ♦ ОММАВИЙЛИК МАҲОРАТ ГАРОВИ

КАТТА СИНОВ ОЛДИДАН

ЎТИБ бораётган йилнинг мусобақаларга бой бўлди. Спортчилар республика бўйидаги ҳалқаро турнирларда иштирок этиб, салмоқли натижаларга эришдилар. Бу мусобақаларнинг барчаси келаси йилда бўладиган катта анжуман — СССР халқлари VI спартакиадасига тайёргарлик қилишда ўзига хос босқич бўлиб хизмат қилди.

РЕСПУБЛИКАМИЗ классик курашчилари VI спартакиадага тайёргарликни ёз ойларидан бошлаб юборган эдилар. Ушайда улар Алушта шаҳрида Украина, Ўзбекистон, Ленинград полволлари билан бўлган матч ўрашувида қатнашдилар. Бу мусобақада ўз вази қаторида В. Анкин биринчи, М. Мирзаев, В. Дрозденко ва В. Шаболкин иккинчи, З. Каграманов билан П. Агапов эса учинчи совринли ўринларини эгалладилар.

Куз фаслида курашчиларимиз «Политотдел» колхозини қосмонат-учувчи В. Комаров хотираси соврини учун Челябинскда бўладиган мусобақага тайёргарлик қилди.

Совет Иттифоқи қаҳрамони В. Комаров хотирасига бағишлаб ўтказилган беллашуларга Иттифоқимизнинг 43 шахридан донги кетган полволлар тўпланди. Республикамиз вакиллари бу ерда ҳам муваффақият қозондилар. Халқаро классдаги спорт мастери Аббос Шодиев ўрта ўрашувнинг ҳаммасини соғалаба билан тутатиб, асосий совринни ҳам, энг яхши курашчи учун Комаровлар оиласи таъсис этган совринни ҳам қўлга киритди. Область вакиллари К. Фатхуллин, А. Гришинлар ҳам фахрий шохсунга тўридан жой олди.

Бундан ташқари, республика биринчилиги мусобақалари ҳам биз учун катта синов бўлди. Номбрга бўлиб ўтган чемпионатда кўпчи-


ва ёш, қобилиятли спортчилар маълум бўлди. Тошкентликлар К. Фатхуллин, А. Варабин, Б. Омеровлар шулар жумласидандир. Бу мусобақалар СССР халқлари VI спартакиадасига қатнашадиган терма командаларга номзодларни аниқлаб берди. Биз терма команда номзодлари билан кўпгина ишларини бажардик. Бу борада спорт жағиятларининг ёрдами алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Ҳозир терма командамизга «Буревестник» кўнгилли спорт жағияти ва Армия спорт клуби кўплаб қобилиятли полволларини етказиб бермоқда.

Лекин, илгарилари биз учун асосий база ҳисобланган «Меҳнат», «Динамо» каби спорт жағиятлари энди ўз мавқеларини бериб қўйганлар ачинади ҳодир. Бу жағиятлар бир пайтларда Э. Юсупов, А. Собиров, Н. Колман сингари кучли спортчиларини етказиб бермоқда.

Классик курашчилар СССР халқлари VI спартакиадасига республика жағиятларига 54 очко кўпчилиги билан кўпчилиги тўридан. Шунинг учун тайёргарлик даврида кўп ишларини қилишга тўри келади. Терма команда номзодлари билан ўтказилаётган машқларда уларнинг жисмоний ва руҳий-психологик тайёргарликларига алоҳида эътибор беришимиз.

Спартакиаданинг классик кураш турнири келаси йил ёзда Олмаотада бўлади. Мусобақаларда, матч ўрашувларида қатнашганимиз, отир вазили полволларини етказиш масаласини ҳал қилишимиз керак. Шунда катта анжуманда қўзғалган марра муваффақият эгаллашни мумкин.

Ю. ЗЕЛИНИН, Ўзбекистон классик кураш терма командасининг бош тренери.



ЧИМЕН ЧОРЛАЙДИ

Оғиқ қор билан қопланган Чимён ёнбағирларида қишқи спорт мавсуми бошланди. Биринчи бўлиб 2000 метрлик юксаликка республика кўнгилли спорт жағиятлари, «Старт» ва «Чотқол» спорт клублари чапчиликларни кўтарилишди.

Бу йилги қишқи мавсум мусобақаларга бой. Февраль ойида бўладиган Бутуниттифоқ катта мусобақалари VIII спартакиадасига чапчиликларнинг ҳозирдан кўчма тайёргарлик қилишлари кўриномдандир. Катта мусобақа олдида Ўрта Осиё кубогини учун старт берилади. Бу анъанавий баҳсда Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистоннинг энг уста чапчиликлар иштирок этадилар.

Ўрта Осиё кубогини учун бўладиган мусобақа бир неча босқичларга бўлинади. Дастлабки босқич «Катта Чимён» соврини учун январ ойида бошланади. Шу ойнинг ўзига чапчиликлар «Томир» соврини учун Тожикистонда ўзаро мусобақалашадилар. Касабасоюзолининг Бутуниттифоқ спартакиадасидан сўнг Қирғизистонда Ўрта Осиё кубогини мусобақаларининг учинчи босқичи старт олади.

Орада ана кўплаб мусобақалар бўлиб ўтади. Февраль ойида йигит ва қиз чапчиликларининг республика чемпионати бўлиб ўтади. Спорт клублари, кўнгилли спорт жағиятлари аъзолари ҳам ўзаро ўрашувлар ўтказишади. Қишқи спорт йилларини энг кучли чапчиликларини тавлашда республика терма командасининг шакллантиришда муҳим роль ўйнаши табиғийдир.

ҚИШИ ФИЗИКУЛТУРА КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

БАРДАМЛИК МАРШИ

Ҳаво булут. Тоғ томондан муздек шабода эсаяпти. Қишнинг нафаси сезилиб турибди.

Кон-металлургия комбинатининг бассейнида эса гўё ёз. Сув буғланади турлибди. Спортчилар пинсид қилимай иссиққина сувда машқ қилишмоқда. Булар — комбинат ишчи-хизматчиларининг фарзандлари, болалар-ўсмирлар спорт мактабининг талабалари. Бассейнида комбинат корхоналари ишчи-хизматчилари ҳам келиб туришади.

Ҳа, Олмаиқ, кон-металлургия комбинатинида спорт эъозланади. Комбинат физкультура коллективларининг шухрати республикага ёйилган. Бу ерда СССР спорт мастери Владимир Петров, СССР

ва фабрикалар ишчи ва хизматчилари ўртасида спорт мусобақалари, спартакиадалари ўтказиш борасида катта тажриба тўпланган. Комбинатда «Снеженко», «Спорт ёзи», «Олтин куз» спартакиадаларини ўтказиш анъанаси айланган. Бу йил ўтказилган мусобақаларда 1500 га яқин спортини иштирок этди. «Меҳнат, маданият ва спорт эстафетаси» деб номланган тадбир ҳам қизиқарли ўтапти. Эстафета шундай ташкил этилганки, унда ҳар бир цех, завод, фабрика қатнаша олади.

ГТО комплекси нормаларини топиришга жалб қилишда ҳам

бир қатор амалий тадбирлар қўрилмоқда. Шу йилнинг ўзига 1382 киши «Саломатлик» комплексининг ишқибозлари бўлди, 2200 киши ГТО стартларига чиқди.

«Меҳнат ва СССР мудофасига тайёр» комплексини пропаганда қилишда оммавийлик металлургия вазили устул қилинган. Нормативларини топиришда аввало раҳбарларнинг ўзлари ўрнак кўрсатишади. Чунотчи, комплекс нормаларини оммавий топириш бошланганда кўрготилиш-руҳ бойитиш фабрикаси бошлиғи Леонид Герасимович Черний биринчи бўлиб стартга чиқди. У стадионга ўзи билан ана 120 кишини ҳам бошлаб келган эди.

Бошқа корхоналар раҳбарлари ҳам Л. Г. Чернийдан ўрнак олишди.

Оммавий спорт ишларини яхшилашда партия, касабасоюз ва комсомол ташкилотларининг ёрдами катта. Сентябрь ойида уларнинг кенгайтирилган мажлиси бўлиб, меҳнаткашлар ГТО комплексини янада кўпроқ жалб этиш ва комбинат физкультураши ҳамда спортчиларининг маҳоратини ошириш тадбирлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Физкультура-спортни пропаганда қилмасдан, зарур базага эга бўлмасдан турли бирор гузункор натижага эришиб бўлмаслиги ҳаммага маълум. Комбинатда бу масалалар ижобий ҳал қилинган. Цехларда спортга оид фотомонтажлар, стендлар, ГТО нормалари ва талаблари ёзилган жадваллар бор.

Металлургиялар учун спорт базалари, стадион, тир, киши зал, ёғи майдончалар, кураш заллари ҳаммаши очил, Сузил бассейни эса республикада энг яхши база-

лар қаторида туради. Шахмат ва шашка ишқибозлари учун ақолиб клуб қуриб берилган.

— Стадион майдончалари, заллар, бассейни ва клубини доимо спортчилар билан таъмин, — дейди комбинат спорт ишқибозлари бошқармасининг ўқув-спорт ишлари бўлими бошлиғи, шахмат бўйича мастерилик номзод Е. Н. Надеждин. — Область ва республика биринчиликларида кўп марта совринли ўринларини эгаллаб келган эришчилар бекетбол командаси (тренери З. Галиев), қобилиятли тренер В. Мўминов раҳбарлидаги аёллар гандбол командаси (ютуқларидан мамнунимиз).

Волейболчиларга Р. Сафаров раҳбарлик қилади. Команда ёш волейболчи қизлар ҳисобида гўлдирилмоқда. Қишда улар тренеровкаларни кенг ёруғ спорт залида давом эттириладилар. Ёғилли атлетикачилардан Э. Шеффер, Н. Попова, М. Лобода, О. Левчук ва бошқалар анча танилиб қолган. Уларнинг ҳаммаси биринчи разрядли спортчилардир.

Полволлар командалари ҳам анча кучли ҳисобланади. Ёғилли кураш бўйича тренер Рустам Қодиров спорт мастери нормативини бажарди ҳамда бир мастериликка номзод ва биринчи разрядли турт полволни тегирлади. Воҳид Мухторов тренерлик қилаётган классик курашчилар коллективни областда энг кучлилардандир.

Металлургиялар орасида городиш анча оммалашган. Бу қадимий рус ўғилли ихлосмандлари биришиб, кучли команда тўзишди. Михаил Волосенков, Анатолий Чернишенковлар спорт мастери ҳисобланишади. Бу йил эса 61 ёшли М. Буренов, 50 ёшли В. Коротенко ва Г. Габдулхановлар спорт мастериликка номзод унвонини олишди.

Комбинат спортчилари меҳнатда ҳам ўзларини кўрсатишмоқда, кўчилиги коммунистлик меҳнат зарбдорларидир. Шу кунларда улар тўғрисидаги беш йилликнинг тўғрочи йилни муносиб якувланиш иштиқадлар.

А. АБДУЛЛАЕВ, «Тошкент ҳақиқати» махсус муҳбири.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ЖУРНАЛИСТЛАР ВА ТУРИЗМ ИШҚИБОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА

СССР ва Ўзбекистон Журналистлар союзларининг правлениелари, Туризм ва экскурсиялар бўйича Марказий ва Ўзбекистон республика Советлари шу йил 16—18 декабрь кунлари Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон ССР, Жанубий Урал ва Фарбий Сибир туризм масалалари.

рини ёритуви журналистларнинг зона семинарини ўтказадилар.

Семинар шу йил 16 декабрь эрта соат 11 да «Совет» меҳмонхонасида (Тошкент шаҳар, Луначарский кўчаси, 115-й) бошланади.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.55 — Тошкент. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Мультифильм. 10.20 — Телеманияторлар. 11.00 — Москва. 17.00 — Хонкей: СССР — Швеция. 19.15 — Тошкент. 19.20 — Мультифильм. 19.30 — «Глобус». 20.00 — Ахборот. 20.15 — Ун ми. нут музыка. 20.25 — Ахборот. 20.45 — Музикали кўтича. 22.00 — Ванг. 22.30 — Горный номи рус давлат академик драма театри 40 ешда. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 9.30 — Тошкент. Ёғил кўрсатувлари. 19.15 — Москва. Хайвонот оламида. 20.15 — Мультифильм. 20.35 — Соф инглизча нотилик (бадий фильмнинг биринчи серияси). 22.00 — Тележурнал. 22.30 — Телефильм. 22.35 — Спорт программаси. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 14.15 — Душанба кўрсатувлари.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 14[XII] да Анда. 15[XII] да Севилья саргароши (кўндун), Анна Каренина (кечкурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 14[XII] да Тарих тилга кирди. 15[XII] да Абу Райхон Беруний (кўндун), Оқшомдан тушгача (кечкурун).

МУҚИМ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 14[XII] да Нурхон.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ВШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 14[XII] да Нон, қон, инсон (15.00), 15[XII] да Ойин.

КИНО

Сунқас — «ЎЗБЕКИСТОН» (кун. дуз ва кечкурун).

ЧИН СЎЗ — НАВОИЙ НОМЛИ. «ЧАНКА», «МОСКВА», «НУКУС» (кўндун ва кечкурун). «ҚОЗОГИСТОН» (11.00, 15.00, 19.00, 21.00). «ДРУЖБА» (10.20, 11.00, 12.00, 13.00, 21.00).

Есенин — «ҚОЗОГИСТОН» (12.00, 13.00, 16.00, 17.00, 20.00). «ДРУЖ. ДА» (14.00, 15.00, 17.00, 18.00, 20.00).

Макенининг олтинлари — САНЪАТ САРОЙИ (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 21.00).

Бахтин бўлишини истасанг — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кун. дуз ва кечкурун).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана в областном кома

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Радва Востока» кўчаси, № 26. ТЕЛЕФОНЛАР: